



Constitutional reform – legal basis of state youth policy

Eshmuhammad KADIROV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2023

Received in revised form

15 December 2023

Accepted 20 January 2024

Available online

25 February 2024

Keywords:

youth,
youth state policy,
Constitution,
constitutional reform,
constitutional and legal
mechanism,
legal consciousness and
legal culture,
legal education.

ABSTRACT

This article, from the point of view of constitutional doctrine, provides an analysis of constitutional reforms in New Uzbekistan as an important legal basis for state policy towards youth. Existing scientific and practical problems are also analyzed, and constitutional and legal mechanisms for their elimination are explored.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss1-pp307-312>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Конституциявий ислохотлар – ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асоси

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ёшлар,
ёшларга оид давлат
сиёсати,
Конституция,
конституциявий ислохот,
конституциявий ҳуқуқий
механизм,
ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий
маданият,
ҳуқуқий таълим.

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда Конституциявий ислохотлар ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим ҳуқуқий асоси эканлиги конституциявий илмий назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мавжуд илмий амалий муаммолар таҳлил этилиб, уларни баратараф этишнинг конституциявий ҳуқуқий механизмлари тадқиқ этилган.

¹ Professor, Doctor of Law, Department of Constitutional Law, Tashkent State University of Law.

Конституционные реформы – правовая основа государственной молодежной политики

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

молодежь,
молодежная
государственная
политика,
Конституция,
конституционная
реформа,
конституционно-правовой
механизм,
правосознание и правовая
культура,
юридическое образование.

В данной статье проводится анализ конституционных реформ в Новом Узбекистане с точки зрения конституционной доктрины, рассматриваемых как важная правовая основа государственной политики в отношении молодежи. Также освещаются существующие научно-практические проблемы, при этом исследуются конституционно-правовые механизмы их решения.

Янги Ўзбекистон ўз олдига ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак масъулиятини англаб, инсон қадрлари юксалган – инсонпарвар – демократик ва адолатли жамият қуришни мақсад қилар экан, бунда табиийки ёшларга оид давлат сиёсатининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига эътибор қаратиши шубҳасиз. Зеро, давлат сиёсатининг устувор йўналиши саналмиш ёшлар сиёсати конституциявий даражада мустақамландими, демак у истиқболли саналади. Агар масаланинг мантиғига биз ўзбек халқининг менталитети ҳамда Конституция давлатнинг олий юридик кучга эга қонуни эканлиги принциpidан келиб чиқсак, унинг моҳияти янада ойдинлашади.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 30 апрелида референдум йўли билан янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилингани муҳим тарихий воқеа бўлди. Республикаимизда Конституциявий ислохотнинг амалга оширилгани биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ва унинг кафолатланиши, иккинчидан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулияти оширилиши, учинчидан, фуқаролик жамияти институтларига имкониятнинг кенгайтирилиши билан боғлиқлигида кўринади. Асосий қонунимизнинг ислох этилиши шу ўринда, мамлакатимиз сиёсий ва ҳуқуқий тизими ҳамда иқтисодиёт, ижтимоий ёхуд маданий соҳанинг ривожланиши билан ҳам боғлиқлигини назардан қочирмаслик лозим.

Бинобарин, Ўзбекистон аҳолисининг ярмини айнан ёшлар ташкил этгани, ёхуд Янги Ўзбекистонни қуришда ёшлар янги куч, янги ғоя, замонавий илм ва инновацион технология соҳиблари сифатида намоён бўлиши амалга оширилаётган Конституциявий ислохотларнинг асосий ядросини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Конституция даражасида мустақамланди. Давлат ўз олдига халқни рози қилишдек концептуал масалани қўяётгани ҳам бевосита муҳим ижтимоий қатлам саналмиш ёшлар билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сон Фармонининг аҳамияти ҳам юқори эканлигини таъкидлаш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Фан ва илмий назарий жиҳатдан давлатнинг ёшларга оид сиёсати билан боғлиқ амалда қандай муаммолар борлигига эътибор қаратилса, бу борада жамият ва давлат олдида қатор муаммолар борлиги аниқ бўлади. Бу эса давлатнинг “фаол фуқарони тарбиялаш” концепциясига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Биринчидан, Конституциямизнинг мазмун моҳиятини ва аҳамиятини тўғри тушунишда реал, амалий муаммолар мавжуд. Яъни мазкур ҳолат узлуксиз таълим тизимида мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицей, коллеж ва техникумларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фан сифатида ўқитилишида намоён бўлади. Зотан, Конституциявий ҳуқуқ фани афсуски, барча таълим муассасаларида ҳам мутахассислар томонидан белгиланган талаб ва етарли даражада ўқтилмайди. Аксарият ҳолларда масалага юзаки ёндашилиб, вазиятдан чиқиш асосий вазифа сифатида кўрилади. Мазкур фан таълим муассасаларида бошқа соҳа вакиллари томонидан ўқитилади. Маълум бўладиги, ўқувчилар Конституция тўғрисида дастлабки етарли, тўғри тасаввурга эга бўлмайди. Ёшлар инсон ҳуқуқлари, бурчлари, давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, шахс – жамият – давлатнинг манфаатлари уйғунлиги каби ҳуқуқий ва сиёсий билимларни ўзлаштирмайди. Таассуфки, натижа ўзининг салбий таъсирини ёшларнинг ҳаётида кенг кўламда узоқ муддатларга кўрсатади. Мазкур ҳолатда давлатнинг маърифатли шахсни тарбиялашдек устувор вазифаси амалга ошмай қолади. Ёшларга оид давлат сиёсати ҳам дарз кетади.

Иккинчидан, мамлакатимизда ёшлар, айниқса ўспиринларнинг амалий ҳуқуқий билимларини ўзлаштириш каби самарали хорижий тажрибадан унумли фойдаланилмайди. Борлари ҳам жуда кам ва тўлиқ мамлакат ёшлари доирасини қамраб ололмайди. Тараққий этган давлатларда ёшларнинг мазкур тоифаси учун “Юридик клиника” (амалий ҳуқуқ)дан фойдаланишади ва у ўз самарасини бериши реал ҳаётдан маълум. Натижада хориж ёшларининг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари билан бирга бурчларини ҳам тенг англайдиган бўлиб етишади. Сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан фаол фуқаро сифатида шаклланади. Масалан, амалий ҳуқуқ бизда фуқаролик паспортини олиш, ўқиган маълумоти ҳақида диплом олиш, дастлабки меҳнат муносабатларига киришиш, ўспиринлар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда олган назарий билимларидан амалий фойдаланиши кабилар тушунилади. Афсуски, бизнинг ёшларимиз бундай амалий жараёнларга қачонки ўзлари шахсан муаммога дуч келгандагина зарурат сезади.

Учинчидан, юртимиз ёшлари орасида учрайдиган яна бир салбий ҳолат, бу уларнинг аксарияти ўз ҳуқуқларини англаши, бироқ конституциявий бурчларидан хабардор эмаслигидир. Инсон ҳуқуқлари фақат шахснинг ҳуқуқини белгиламайди, ўз ўрнида унга муайян бурчларга риоя қилишини ҳам юклайди. Ана шундагина юридик жиҳатдан ҳуқуқ тўлиқ бўлади. Демак ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тенг англаши нафақат ҳуқуқий фаол бўлишига, балки юриспруденциянинг моҳиятини тўғри тушунишига ҳам хизмат қилади. Ёшларда бурчдорлик ҳиссининг шаклланиши уларнинг оиласига, маҳалласига, қишлоқ ёки шаҳрига, вилоятига ҳамда ватани олдидаги масъулиятининг ошишига замин яратади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, конституциявий ҳуқуқ ва бурчларини тенг англайдиган ёшларнинг кўпайиши лоқайд ва худбин шахслар шаклланишининг олдини олади.

Тўртинчидан, ҳуқуқий тарбия ёки ҳуқуқий маърифатга ижтимоий тарбиянинг ажралмас, муҳим таркибий қисми сифатида эътибор қаратилмаслигидадир. Ҳуқуқий тарбия масаласида жамият ва давлат миқёсида расмий тарзда бўлса-да, муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, қатор ишлар амалга оширилади. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин масаланинг индивидуал ва оилавий жиҳатлари қониқарсиз ҳолатда қолаётганига кўз юмиб бўлмайди. Мазкур ҳолат жамият ва давлат миқёсида ҳуқуқий тарбия билан боғлиқ ишларнинг манзилли равишда аниқ субъектларга етиб бормаслигида ёки улар томонидан ўзлашмаслигида ҳам кўринади. Ҳар бир ёш авлод вакили ҳуқуқий тарбия унинг шахсий манфаати, жамият ва давлат манфаати билан уйғун бўлганда натижа беришини билиши керак. Шунингдек, ҳуқуқий тарбия фақат ҳуқуқни қўлловчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг иши деган жамиятдаги нотўғри ва тор тушунчадан воз кечиш вақти аллақачон келганини тушуниш лозим. Зеро, бугунги ёшлар давлат ва жамият бошқаруви учун фаол ворислар экани ёхуд улар доимий равишда ушбу ижтимоий қатлам вакили сифатида қолмаслигини назардан қочирмаслик лозим. Вақти келиб, улар мазкур категориядан чиқиб, фаол фуқарога айланишини, давлат ва жамият бошқарувининг қонунийлиги ёки адолатлилиги айнан ёшларга боғлиқлигини тушунишимиз ва тушунтиришимиз зарур. Яна бир муҳим жиҳат, бугунги даврда ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда шахсий ибрат масаласи нақадар долзарблигини ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Чунки бугунги ёшлар интеллектуал аср ёшлари эканини, улар фақат айтилганни қиладиган эмас, аксарият ҳолатда ўз кўзи билан кўрганини ҳамда ўзи гувоҳ бўлган реал ҳаракатни амалга оширишини назардан қочирмаслик керак.

Бешинчидан, ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалтирилишида тизимлиликка амал қилинмаётганлиги ҳам муҳим сабаб сифатида намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, мазкур йўналишда алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, унда “Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати” деган концептуал ғоя асосида ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда тизимли қўллай олиш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлса-да, уни реал ҳаётда тўлиқ амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Умумий аҳолимизнинг ярмини ташкил этувчи ёшлар учун ҳуқуқий маърифат бугунги кунда зарурат саналса-да, у ҳали реал воқеликка айланиб улгургани йўқ. Ваҳоланки, ушбу фармонда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий равишда амалга оширилиши мустаҳкамланган.

Янги Ўзбекистоннинг маърифатли шахсни тарбиялаш билан боғлиқ ёшларга оид давлат сиёсатининг конституциявий асосларининг ечими нималарда кўринади? деган Конституциявий илмий назарий саволга қуйидаги жавобларни бериш мумкин.

Биринчидан, янги таҳрирдаги Конституциямизда ёшларга оид давлат сиёсатига бевосита тегишли нормаларнинг мустаҳкамланганида кўринади. Унга кўра, асосий қонунимизда оила, болалар ва ёшларга дахлдор алоҳида янги боб киритилди. Шу пайтгача амалда бўлган Конституциямизда эса мазкур нормалар фақат унинг муқаддимаси, 41 ва 45-моддаларида мавжуд эди холос. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 78-моддасида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти сифатида мустаҳкамланган. Бизнингча, мазкур норманинг Конституция даражасида белгиланиши давлатнинг маърифатли шахсларни айнан ҳуқуқ асосида, дастлаб давлат институтларининг, фуқаролик жамияти ва ижтимоий институтлар билан мустаҳкам ҳамкорликда масъулиятни зиммасига олиб асосий қонунимизнинг мазмун моҳияти ва аҳамиятини жамият аъзолари, айниқса, ёшлар онгига муҳим қадрият сифатида сингдиришни амалга ошириш мажбуриятига кенг имконият яратади. Ва ушбу ҳуқуқий механизм ёшларга оид давлат сиёсатининг Конституциявий асосини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, айнан шу конституциявий модданинг иккинчи қисмида давлат ва жамият болаларда ёхуд ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатдан ёки халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш ҳақида ғамхўрлик қилиши ҳам мустаҳкамланган. Фикримизча, маърифатли шахсга хос бўлган мазкур ижобий сифатлар давлат ва жамият бошқарувида олган назарий ҳуқуқий-сиёсий билимларини амалда қўллай оладиган, ўз эркин шахсий позициясига эга, эркин тафаккурли ва мустақил ҳамда дахлдорлик ҳиссини туйувчи ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаол фуқароларнинг ҳамда муносиб ворисларнинг тарбияланишига замин яратади.

Учинчидан, асосий қонунимизнинг 79-моддасининг биринчи қисмида давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамда маданий ёхуд экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши ёки уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантириши ҳам ўз ифодасини топган. Мазкур янги конституциявий норманинг белгиланиши ҳам ўз навбатида ёш авлод вакиллариининг нафақат ўз ҳуқуқларини балки конституциявий бурчларини ҳам тенг ўзлаштиришига хизмат қилиши шубҳасиз. Сабаби давлат фақат шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини эмас балки унинг жамият ва давлат олдидаги бурчларга амал қилинишини ҳам рағбатлантиради. Натижада мамлакатимизда бу борада мавжуд муаммолар ушбу конституциявий ҳуқуқий механизмлар асосида барҳам топади.

Тўртинчидан, Конституциянинг 50-моддасида давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ҳамда шакллари ёки давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, мактабгача таълим ва тарбия ҳамда умумий ўрта таълим давлат назоратида эканлиги ёхуд таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбияни таъминлаши мустаҳкамланган. Мазкур конституциявий механизм орқали давлат ҳуқуқий таълимнинг амалда умумий таълимнинг ажралмас таркибий қисмига айланиши, шунингдек, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маърифатнинг ёшлар учун асосий қадриятга айланишига эришади. Ва бу ўз ўрнида ҳуқуқий маърифат жараёнида “шахсий намуна” усулининг оммалашшига, ёшларнинг айнан эрта болаликдан ҳуқуқ асосида тарбияланишининг самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли саналади.

Бешинчидан, Конституциянинг 79-моддасининг иккинчи қисмида давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий томондан шаклланиши

ҳамда ривожланиши, таълим олишига, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга шароит яратиши белгиланган. Демак, ҳуқуқий маданияти юксак ёшларнинг кўплиги давлатнинг ҳар томонлама тараққиётини белгилар экан. Яъни қайд этилган давлат ва ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабат бевосита ҳуқуққа асосланади. Инчунун, мазкур ҳуқуқий механизм ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан фаоллашиб уларнинг давлат билан ўзаро муносабати самарали бўлишига имконият яратади. Шу нуқтаи назардан ёшларнинг ҳаёти давомида ҳуқуқий маданиятининг босқичма-босқичлик асосида юксалиб бориши дастлаб фаол фуқаро сифатида ўзи учун ҳамда маърифатли шахсни тарбиялашда давлат учун ҳам бирдек манфаатли ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий норма давлатнинг бош йўналтирувчи субъекти сифатида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишида самарадорлигини таъминлашга ҳамда мазкур йўналишда мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли саналади. Бизнингча, ёшларнинг деярли барчаси ушбу муносабатларнинг мантиғига кўра ҳам ҳуқуқий маданияти юксак бўлишдан манфаатдор ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда маърифатли шахсни тарбиялашда ҳуқуқ беназир қадрият саналади. Конституция эса миллий ҳуқуқий тизимнинг асосий манбаидир. Шу нуқтаи назардан халқимизнинг хоҳиш иродаси асосида референдум йўли билан қабул қилинган янги таҳрирдаги конституциямиз ва унинг асосидаги конституциявий ислоҳотлар ушбу мақсадга эришишда ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасини Конституцияси. Расмий нашр. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023. – 80 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сон фармони. Миллий қонунчилик базаси маълумотлари, 10.05.2023 й., №0/623/67/0269.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон).
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 16-17-бетлар.
5. Ўзбекистон Республикасини Конституцияси. Расмий нашр. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023. – 29-31-бетлар.